

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 5 ноябрь • сешанба № 42 (882)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz

Обуна бўлинг!

“Инсон ва қонун”



Сиз билан,
Сизнинг
ҳимоячингиз,
Сизнинг
маслақдошингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

Тадбиркор: юрт таянчи, эл суюнчи

Яратилаётган шароитнинг бардавомлиги бунинг омили бўлмоқда

МАМЛАКАТИМИЗ мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритди. Бунинг қўйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: бугунги кунда 2000 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсган, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошган, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайган ва охириги олти йил давомида иқтисодий таъминотнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, содда-лаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очкичилигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинган. Мазкур дастурнинг Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2012 йилда мазкур дастур доирасида олти та муҳим қонун, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди. Рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиш талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва маълумотий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим, икки баробар қисқартирилди. Давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги билвосита алоқаси босқимчи-босқич жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги таъминоти жорий этилган бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилиқ ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талкин қилиниши белгилаб қўйилди.

2



Соҳага оид қонунлар:

“Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (13.09.2011)

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”

(26.04.2012)



Соҳага оид қонунлар:

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” (02.05.2012)

“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида” (20.12.2012)

Ўқув-машғулот Ўтмишни ўрганиш Ўзликни англаш демакдир

— МУСТАҚИЛЛИК йилларида миллатимиз тарихий илдизларининг нақадар чуқур эканлигидан далолат берувчи улкан маданий меросимиз, маънавий қадриятларимиз қайта тикланди. Зеро, ўтмишни унутмоқ, ҳар бир замонда ўзликни унутмоқ саналган. Ўтмишни ёдга олмақ эса эртанги порлоқ кунга мустаҳкам пойдевор ҳисобланган. Албатта, бундай эзгу ва хайрли ишларда ўз улуши билан иштирок этиш кишига фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этиши билан бирга, ажодларимиз кимлигини, юртимизнинг бой ўтмишини кўрсатиб турувчи тарихий бойлиқларимизни кўз қорачиқдай асрашга ўргатади. Бугунги кунда тўрт мингдан ортиқ асрувчи-қўриқчиларимизнинг ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам мамлакатимиз бой маданий меросига эга эканлигидан ёрқин далолатдир, — дейди Адлия вазирлигида ўтказилган ўқув-машғулотнинг набатдаги меҳмони ТДЮУ доценти, филология фанлари номзоди Раҳмон Қўчқоров.

ШУНИНГДЕК, тадбирда ажодларимиз томонидан яратилган бой маънавий ва маданий меросимизнинг бугунги кунда дунё олимлари томонидан кенг ўрганилаётганлиги ҳамда уларнинг жаҳон миқёсида тугатилган ҳисобида атрофлича фикр юритилди.

Бундан ташқари, ўқув-машғулот давомида Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан LEX.UZ га ки-

ритилган ўзгартиш ҳамда фойдаланувчилар учун янада қулайлик яратилгани ва унинг янги-ча қўрилиши билан йилгиланлар батафсил таъинирилди.

Тарих ва бугунги кун уйғунлигида ўтган мазкур тадбир иштирокчиларда ўзгача таассурот қолдирди.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарбиёт ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Сайлов бошланди Ҳурматга сазовор инсонлар

Фуқаролар йиғини раислигига ва уларнинг маслаҳатчиси лавозимига сайланади

МАҲАЛЛА ҳақида сўзлаганда қалбимиз беихтиёр фахр-ифтихорга тўлади. Ушбу сўз ҳар биримизда илқ таассурот уйғотишининг боиси, ўтаётган ҳар кунимизга қувонч дурдимизга шерик маскан. Маҳаллага бўлган ҳурмат ва меҳр яқин йилларда пайдо бўлгани йўқ, албатта. Унинг тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Аждодларимиз азалдан бирон ишга қўл урмоқчи бўлса, маҳалла аҳли билан маслаҳатлашиб, иш тутган. Маҳалла бугунги кунда давлатимизнинг асосий таянчларидан бирига айланган. У ҳалқчил, ўзини ўзи бошқарадиган жамоат органи сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг вазифаларини урдалашга қодир эканини амалда исбот этди.

МУСТАҚИЛЛИК йилларида ўзини ўзи бошқариш органларини тартибга солиш кўпга қўнун ҳужжатлари қабул қилинди. Улардан биринчиси ва энг муҳими, Бош қомусимиздир. Унинг 105-моддасида “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди”, деб ёзиб қўйилган.

2013 йил 12 сентябрда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, сайлов жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиши белгиланди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси таркиби, ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқланди. Эътиборлиси, булажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 миң нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бошқарув соҳасидаги иштироки кенгайиб бориши натижасида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришдаги ҳуқуқи, улар фаолиятининг асосий тушунчалари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кафолатлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мазкур органларнинг тизими кенгайтирилиб, раис ва унинг маслаҳатчилари сайловининг демократик принциплари белгиланди. Шу билан бирга фуқаролар йиғини ваколатлари кенгайтирилди.

Кирилган муҳим ўзгаришлардан яна бири сайловнинг муқобиллик асосида ўтказилишидир.

2



Томчида
турмуш тарзи

Миллий матбуот марказида

ИНСУЛИН дориси ихтирочиси Нобель мукофоти соҳиби Ф.Бонтигиннинг туғилган куни 14 ноябрь (1891 йил). Ана шу муносабат билан шу кун дунё бўйича халқаро қандли диабетга қарши кураш кўни сифатида кенг нишонланади.

БУНДАН ТАШҚАРИ, ноябрда қандли диабет касаллигининг олдини олиш ва унга қарши кураш ойлари ўтказилади.

Хозирги кунда дунё бўйича 366 миллиондан ошиб инсон шу касалликдан азир-ча чеқмоқда. Мутахассислар тахминлари-ча, агар бу касалликнинг олди олинмаса, 25 йилдан сўнг ҳар 6 инсоннинг бири қандли диабетга чалиниши мумкин экан. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республика ихтисослашган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ўтказган матбуот анжуманида юқоридаги фактлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Намунали уй-жойлар учун

ОСИЁ Тараққиёт банки (ОТБ) қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши учун Ўзбекистонга 200 миллион доллар миқдорда кредит ажратади.

МАЪЛУМОТЛАРГА ҚУРА, шу мазмундаги битим 2013 йил охиригача имзоланиши кўтилмоқда. 2011 йилнинг август ойида ОТБ мамлакатимизга уй-жой қурилиши учун 500 миллион доллар кредит ажратиш ҳақидаги қарорни маъқуллаганди.

Режага қўра, 2015 йил охиригача мамлакатимизда 6 миллион квадрат метр майдонда 41,4 миңга намунали уй-жойларни қуриш мулклаганган.

Куз почтаси

КУЗНИ халқимиз ҳисобот оини дейди. Бу сўзлар кўпроқ деҳқонларга тегишли бўлса-да, бироқ бошқа касб эгалари ҳам кузда ўзларига ўзлари ҳисоб берибди. Бонси, ҳадемай янги йил келади. Янги йилгача барча ишларга улгуриш керак. Таҳририятимизга ҳуқуқий мавзуда мақола ва хабарлар йўллаган соҳа ходимларидан узул-сиз келаётган материалларни ўқиб ана шу фикрлар ҳабланимиздан ўтди.

НУРОБОД ТУМАНИ ФХДЕ ходимлари Шаҳноза Раҳмонова билан Эсоной Эргашевалар яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг сабий оқибатлари ҳақида фикр билдиришган. Сирдарё вилояти никоҳ уйи мудираси Гўлҳаё Расуловнинг ҳам мақоласи оилага бағишланган. Нукус шаҳар 7-сон нотариал идораси нотариуси Мирман Сулаймонов эса ўз мақоласида консуллик муассасаси ҳақида ёзади. Шунингдек, Чирчик шаҳар 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси Раъно Ҳақбердиева инсоннинг жамият олдидаги бурчи ҳақида фикр юритган.

Мақтублар оқими давом этмоқда.

Хабарларни “Инсон ва қонун” муҳбири Зайниддин МАМАДАЛИЕВ саралади.

Адлия аралашгач...

Шартнома шартлари бажарилиши шарт

акс ҳолдаги ҳаракат қимматга тушади

АДЛИЯ органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кенг кўламдаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хатирчи тумани ҳокими қарори билан фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун ер ажратилган бўлса-да, ушбу қарор вилоят комиссиясига юборилма-ётганлигидан норози бўлиб Ш.Назаровнинг Навоий вилояти адлия бошқармаси “Ишонч телефони”га қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Бошқарма томонидан мазкур қонунбузилиш ҳолатларини ва унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш юзасидан туман ҳокими номига тақдимнома киритилиб, тақдимномага асосан туман ер танлаш ва ер ажратиш комиссияси фаолияти қоникарсиз, деб топилган ва ушбу камчиликларга йўл қўйган К.Эргашев ва А.Хосиловларга “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган. Фермер ҳўжалиги ташкил қилиш учун ер ажратиш тўғрисидаги туман ҳокими қарори вилоят комиссияси томонидан тасдиқланиб, фермер ҳўжалиги билан узок муддатли ер ижара шартномаси тузилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”га Қўнғирот туманида фаолият юритаётган “Рустем Қанлиқолиши” фермер ҳўжалиги раҳбари Р.Реймов “Қўнғирот ун заводи” ОАЖдан давлат эътиёжлари учун бошқоқ дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси юзасидан тўланиши лозим бўлган пулларининг тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб мурожаат қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасига қўра “Рустем Қанлиқолиши” фермер ҳўжалигининг “Қўнғирот ун заводи” ОАЖ 75 миллион 225 миң сўм қарз эканлиги аниқланди.

Ушбу қонунбузилиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Рустем Қанлиқолиши” фермер ҳўжалигига шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган маблағ тўлаб берилиши тўғрисида “Қўнғирот ун заводи” ОАЖга тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимномага асосан фермер ҳўжалигига қарздорликнинг тўлиқ тўланиши таъминланди.

Фарғона вилояти адлия бошқармасига Ўзбекистон — Англия — Швейцария “Евроосиё-ТАПО-Диск” қўшма корхона вакили “Спитамен Сиевүүш Инвест” масъулияти чекланган жамияти билан тузилган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома талаблари тўлиқ бажарилмаганлиги ва бунинг оқибатида корхонага қўйилган моддий зарар ундирилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Ушбу ҳолат бўйича вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасига қўра, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартларига асосан, “Буюртмачи” “Бахарувчи”га 67 миллион сўм пул маблағлари етказиб берган бўлиб, шундан 58 миллион 848 миң сўмлик қисми учун “Бахарувчи” “Буюртмачи”га хизматлар кўрсатган, қолган 8 миллион 151 миң сўмлик ишларни бажармаган ҳамда ушбу суммани қайтармаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят адлия бошқармаси томонидан Тошкент вилояти ҳўжалик судига “Евроосиё-ТАПО-Диск” қўшма корхона манфаатини қўлаб “Спитамен Сиевүүш Инвест” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 8 миллион 151 миң сўм асосий қарз ҳамда 4 миллион 75 миң сўм пеня ундириш тўғрисида даъво ариза киритилди.

Ҳўжалик суди томонидан даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, даъвогар “Евроосиё-ТАПО-Диск” ЕТАЖ шаклидаги қўшма корхонага жавобгар “Спитамен Сиевүүш Инвест” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан асосий қарз ҳамда пеня ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Тадбиркор: юрт таянчи, эл суюнчи

Яратилаётган шароитнинг бардавомлиги бунинг омили бўлмоқда

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ўз натижаларини кўрсатаётганини таъкидлаш жоиз. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юртиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди. Эришилган мазкур ютуқ ва муваффақиятларнинг асосий омили мамлакатимизда узокни ўйлаб олиб борилаётган сиёсат ҳамда давлатнинг миллати ва динидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган самарали фаолияти билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги **“Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармонида қайд этилганидек, ҳозирги ҳалқаро амалиётда қабул қилинган каби регламентга солувчи тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектларини ўртасидаги узуро муносабатларнинг бевосита мuloкотсиз электрон шакллари ҳамма жойда кенг тартиб этиш талаб қилинади. Мазкур Фармон билан қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка кенг эркинликлар беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди. Ушбу Дастурда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам назарда тутилди. Унга кўра, ҳўжалик судига даъво, илтимоснома ва уларга ило ва қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда маълумотлар алмашишининг электрон воситалари орқали мурожаат қилиш шаклида юборилиши мумкинлигини назарда тутувчи норма билан тўлдирилди. Ундан ташқари, ХПКнинг даъво аризалар ва аризаларнинг мазмунини ҳамда шаклига нисбатан талабларни белгилувчи моддаларига ариза билан мурожаат қилган шахсларнинг телефонлари, факслари рақамлари ва электрон манзили кўрсатилиши мумкинлигини назарда тутувчи нормалар киритилди (ХПКнинг 104, 112-моддалари). Худди шу каби талаблар даъво аризаси юзасидан бериладиган



“Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда белгиланган вазифаларни ихро этиш ҳамда ҳўжалик судига даъво, илтимоснома ва уларга ило ва қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда маълумотлар алмашишининг электрон воситалари орқали мурожаат қилиш шаклида юборилиши таъминлаш мақсадида 2013 йил 30 апрелдаги **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонуннинг 23-моддасига кўра, ҳўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, мазкур кодекснинг 1-моддаси ҳўжалик судига мурожаат қилиш ушбу кодексда белгиланган шаклларда амалга оширилиши, мурожаат ва унга ило ва қилинадиган ҳужжатлар ҳўжалик судига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлигини назарда тутувчи норма билан тўлдирилди. Ундан ташқари, ХПКнинг даъво аризалар ва аризаларнинг мазмунини ҳамда шаклига нисбатан талабларни белгилувчи моддаларига ариза билан мурожаат қилган шахсларнинг телефонлари, факслари рақамлари ва электрон манзили кўрсатилиши мумкинлигини назарда тутувчи нормалар киритилди (ХПКнинг 104, 112-моддалари). Худди шу каби талаблар даъво аризаси юзасидан бериладиган

фирма-мулохазаларга ҳам таъкид этилди (ХПКнинг 119-моддаси). Ҳўжалик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан яна бири бу маълумотлар алмашишининг электрон воситалари орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш имкониятини яратиш билан боғлиқдир. Масалан, муқаддам мазкур кодекснинг 124-моддаси ишда иштирок этувчи шахслар судда қўриладиган вақт ва жой тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинишини, ажрим топширилганиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилишини назарда тутган бўлса, эндиликда мазкур қоидага қўшимча сифатида ушбу шахсларга тилхат олиб топширилиши ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилиниши каби талаблар белгиланди. Шунингдек, агар ишда иштирок этувчи шахслар телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзилини ҳўжалик судига маълум қилган бўлсалар, улар ишни юрйтиш вақтида бу маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида ҳўжалик судини ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилишлари кераклиги ҳақидаги талаблар ҳам назарда тутилди (ХПКнинг 121-моддаси). Шунингдек, ҳўжалик процессуал кодексига судлар фаолиятида очик ва ошкораликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим ўзгартиш ва

қўшимчаларнинг киритилганлигини алоҳида қайд этиш жоиз бўлади. Зеро, **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди. Шундан келиб чиқиб, ҳўжалик процессуал кодексининг 153-моддасида чиқарган ажримлари агар ишда иштирок этувчи шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлиги белгиланган бўлиши шарт. Шунингдек, мазкур моддада устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган ажримларни ҳам ишда иштирок этувчи шахсларга ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлиги назарда тутилди. Худди шунга ўхшаб қондалар апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш жараёнида ҳам қўлланлиши белгиланди (ХПКнинг 171, 189-моддалари).

Таъкидлаш жоизки, ҳўжалик судига даъво, илтимоснома ва уларга ило ва қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда маълумотлар алмашишининг электрон воситалари орқали мурожаат қилиш, шунингдек, маълумотлар алмашишининг электрон воситалари орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш имкониятини бериш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юборишни назарда тутувчи электрон ҳужжатлар айланишини жорий этиш юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ишлаш самардорлигини оширади, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити тубдан яхшиланганлиги, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,
Адлия вазирлиги қошидаги республика Юристар малякисини ошириш маркази кафедраси мудири, юридик фанлар доктори

Таҳлил

Сиёсий партиялар матбуоти

тарғибот, турли хил фикр ва гоялар минбари

СИЁСИЙ партиялар фуқароларимизнинг сиёсий ва иқтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг ҳоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлаш, фуқаролар ташаббусларини шакллантириш, одамларнинг иқтимоий фаоллигини ошириш, турмушимизнинг кўпгина долзарб муаммоларини ҳал этишда муҳим сиёсий кучдир. Айнан шунинг учун ҳам жамоат бирлашмаларининг бир тури бўлган партиялар **“сиёсий”** лик хусусиятига эга. Бинобарин, Конституцияимизнинг 60-моддасида **“Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодаловчилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тизимда иштирок этадилар”**, деб белгиланган.



СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ислохотлар пировардида ҳар бир сиёсий партия ўз электоратининг манфаатларига мос равишда иқтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги дастурларни ишлаб чиқиб, уни парламентдаги фракциялари орқали қонунчиликка сингдиришга интилади. Бу унинг халқ ишончини қозониб, давлат ва жамият ҳаётида мустақам ўрин эгаллашга замин яратди.

Ривожланган хорижий мамлакатлар таърибига назар солсак, ўз дастурий гоялари билан халққа манзур бўлган сиёсий партиянинг илгари сурган мақсадлари давлат сиёсатини амалга оширишда устуворлик қилади. Айнан шунинг учун ҳам иқтимоий ҳаётда партияларро баҳс-уждуга келди, бу эса давлат ва жамият ривож учун гоят муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётган бир пайтда, сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар фуқароларнинг партияларга бўлган муносабатини ўзгартириш, унга бўлган ишончини оширишга туртки бўлади.

Сиёсий партияларнинг халқ ишончини қозонишида, гоялари ва қарашларини аҳолига етказишда, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онини ривожлантиришда, уларнинг бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва мамлакатимиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан ишлашга ўргатишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқис-Зеро, **“Сиёсий партиялар тўғрисида”**ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланганидек, сиёсий партиялар ўз фаолиятини тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз гоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилишга ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадилар.

Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг самарали амалга оширилишида сиёсий партияларнинг наشرлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Замонавий партиявий наشرлар партиявий гояларни сайловчиларга етказишнинг энг қулай воситаси бўлиб, партия ичидagi ҳамда партиялар ўртасидаги мулоқотни ташкил этувчи асосий восита ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, партиявий наشرларнинг доимий диққат-эътиборида иқтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда ривожланиб бораётган жараёнлар, жамиятдаги энг долзарб воқеликлари турли тартиб. Шулар асосида партиявий наشرларда жамиятдаги ўзгаришларга мувофиқ равишда авваллари илгари сурилмаган янги ва муҳим масалалар, ўткир маззурлар ёритилади.

Шу ўринда хорижий мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши бора-сидида таърибига эътибор қаратсак. Таъкидлаш жоизки, кўрсатдики, айрим хорижий мамлакатларнинг марказий газеталари гоявий жихатдан маълум сиёсий йўналишни қўллаб-қувватлайди. Хусусан: АКШнинг **“The Philadelphia Inquirer”**, **“The Denver Post”** наشرлари демократлар гояларини илгари сурса, **“Chicago Tribune”** республикачиларнинг дастурий йўналишлар асосида маълумотларни ёритади; Буюк Британиянинг **“The Guardian”** наشري либерал гояларни, **“Financial Times”** — монетаризм, неолиберализм гояларини, **“The Sunday Times”** ҳамда **“The Daily Telegraph”** газеталари консерватив қарашларни ўзида ақс эттиради; Жанубий Кореянинг **“Чосон ильбо”** газетаси консервативларнинг, **“Хангёре синмун”** наشري социалларнинг гояларига асосланганлигини қузатиш мумкин; Франциянинг **“Монд”** — либерал, **“Франс Суар”** — консерватив, **“Либерасьон”** — социал-либерал қарашларни ўзида ақс эттиради; Япониянинг **“Асахи симбун”** — либерал, **“Сан-кэй симбун”** — консервативларнинг дастурий йўналишлар асосида маълумотларни ёритади.

Мамлакатимизда фаолият юритувчи ҳар бир сиёсий партия ўз газетасига эга бўлиб, партиявий дастур ва вазифалар асосида наشر ишларини амалга оширадilar. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси **“Голос Ўзбекистана”** ва **“O'zbekiston ovozi”** газеталарини, Тадбир-

корлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси — **“XXI asr”**, Ўзбекистон **“Adolat”** Социал-демократик партияси — **“Adolat”**, Ўзбекистон **“Миллий тикланиш”** Демократик партияси — **“Milliy tiklanish”** газеталарини наشر этади.

Шу ўринда мамлакатимизда фаолият юритувчи ҳар бир сиёсий партиянинг мустақил нашрга эга эканлигининг ижобий жиҳатларига ҳам алоҳида тўқалиб ўтиш ўринли. Энг аввало, сиёсий партияларнинг аҳоли барча қатламларига кенгрок кириб бориши, партиявий тарғибот ишларининг ижобий амалга оширилишига имкон беради. Энг муҳими, мамлакатда кўппартиявий тизим ривожланиши жараёнида юзага келадиган партияларро рақобатнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, жамоатчилик назоратининг таъсирчан ҳамда самарали бўлишига эришилади.

Бугунги глобализм жараёнида дунёда электрон газета ва журналларга талаб йилдан-йилга ошиб бораётган. Мамлакатимиздаги партиявий газеталарнинг ҳар бири ўз электрон шаклига эгаллиги уларнинг жаҳон талаблари асосида ривожланиб бораётганидан далolat беради. Хусусан, **“O'zbekiston ovozi”** ва **“Голос Ўзбекистана”** газеталарини www.uzbekistonovozi.uz сайти, **“XXI asr”** газетасининг www.21asr.uz, **“Adolat”**нинг www.adolat.uz, **“Milliy tiklanish”**нинг www.milliytiklanish.uz сайтлари мунтазам фаолият юритаётган. Албатта, бу оддий наشرларнинг нуфузи ва ададига ўзига хос салбий таъсир ўтказмай. Ахборотлар тақдим этилишининг илдат билан ривожланиб бораётган услублари сиёсий партиялардан ҳам босма, ҳам электрон наشرларни такомиллаштириш ва ривожлантириш бориши талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар наشرларининг фаолияти кўп жиҳатдан ён-атрофда бўлаётган ҳодисаларга, иқтимоий ҳаётга боғлиқ бўлиб, унда илгари кўтарилмаган янги ва ўткир маззурларнинг таҳлил қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Албатта, ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятда юз бораётган ҳодисалар бўйича ўзига хос муносабати бўлиши табиий. Бизнингча, айнан шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий партия наشري доимий равишда қонун лойиҳалари бўйича партиянинг асосланган муносабати, иқтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасида вазиятлар ривожини, унинг оқибатини далиллар асосида ақс эттирган партия пролози, фуқаролар фикрини ўрганиш натижаларини ақс эттириб бориши лозим. Шунингдек, сиёсий партиялар наشرлари тарғиботнинг асосий воситаларидан бири эканлигини инобатга олиб, партияларро сиёсий қурашнинг предмети ва конструктив бўлишига, энг муҳими, юксак маданият ва соғлом рақобат асосида амалга оширилишига эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бу билан сиёсий партияларнинг наشرлардаги чиқишлари орқали жамоатчилик назоратини амалга оширилишига, партияларро сиёсий рақобатнинг фаол ва самарали кечилишига эришилади. Зеро, Президентимизнинг **“Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир”** номили маърузасида **“...электрат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларида, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий наشرларни партияларро қизгин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарур”**лиги алоҳида таъкидланган.

Бир сўз билан айтганда, партиявий матбуотни янада такомиллаштириш фуқароларнинг иқтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва саводхонлигини юксалтириш, жамиятда турли сиёсий институтлар, гоялар ва фикрларнинг ривожланишига хизмат қилади.

Мухтабар ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтининг бош илмий ходими, юридик фанлар номзоиди

Ҳурматга сазовор инсонлар

Фуқаролар йиғини раислигига ва уларнинг маслаҳатчиси лавозимига сайланади

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилади. Бу фуқароларга раисни энг муносиб фуқаролар ичидан саралаб, танлаб олиш имкониятини беради.

Муҳим ўзгаришлардан яна бири фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган талаб қучайтирилганлигидир. Хусусан, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тарихисидан, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камда беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат но-тижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш таърибисига, шунингдек, ҳаётий таърибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тўғрисидаги низоом тасдиқланиб, унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тартиби белгиланди.

Ушбу низоом ҳамда янги таҳрирда қабул қилинган Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш мақсадида Адлия вазирлиги ходимлари томонидан қўлаб тадбирлар уюштирилмоқда.

Жумладан, яқинда ана шундай тадбирлардан бири вазирлик томонидан Тошкент шаҳар адлия бошқармасида ўтказилди. Ушбу тадбир вазирлик масъул ходимлари, солиқ ва статистика органлари ҳамда **“Маҳалла”** хайрия жамоат фонди вакиллари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган барча туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари, **“Маҳалла”** хайрия жамоат фонди раислари, солиқ ва статистика органларининг масъул ходимлари иштирок этди. Бундай тадбирлар адлия органлари томонидан республикаимизнинг барча ҳудудларида ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, бу йилги сайловлар ҳам демократик принциплар асосида бўлиб ўтди. Халқимиз маҳалла тақдирини ўз тақдир, деб биладиган, халқ дарди-гояларидан, фидойи инсонларга овоз беради.

Уқун ҲАКИМОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ДУНЁ ўзгаришлари — урушлар ва инқирозлар аҳоли миграциясига олиб келади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2012 йилда халқаро мигрантлар сонини 214 миллионга етиб, дунё аҳолисининг 3,1 фоизини ташкил қилган. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб, 1990 йилга нисбатан 58 миллионга ва 2000 йилга нисбатан 23 миллионга ортган.

Миграция

Хорижда ишламоқчимисиз?

Унда ўз ҳақ-ҳуқуқингизни билинг. Акс ҳолда...

АСЛИДА ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси меҳнат билан чамбарчас боғлиқ. Фаровон турмуш кечирилиши истоган инсон астойдил меҳнат қилади ва шу йўл билангина ўз мақсадига эришади. Мамлакатимизда ҳам ҳар ким эркин касб танлаш, қулай меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг конституциявий меҳнат ҳуқуқлари бузилган тақдирда уни суд тартибидан тиклаш имконияти амалдаги қонунлар билан қафолатлаб қўйилган.

Маълумки, шу йил 26 июлда Тошкент шаҳар ҳокимининг **“Тошкент шаҳар аҳолисининг ташқи меҳнат миграциясини ҳисобга олиш ва тарғибот ишларини йўлга қўйиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги фармойиши қабул қилинган. Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси 2013 йил 26 июлда Тошкент шаҳар аҳолисининг ташқи меҳнат миграциясини ҳисобга олиш ва тарғибот ишларини йўлга қўйиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойиш қабул қилинди. Буйруққа асосан туман марказлари томонидан ҳам мазкур масала ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, уларда туну кун наватчилик ҳамда алоқа телефонлари ташкил этилди.

— Ҳозирги кунда жойларда туман ички ишлар бошқармалари, **“Маҳалла”** хайрия жамоат фонди, маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман статистика

бўлимлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда самарали меҳнат фаолияти йўлга қўйилди, — дейди Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи **Абдулла Мўминов**. — Бундан ташқари, шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган кўрсатма асосида **“Маҳалла”** хайрия жамоат фондининг туман бўлимларида маълумотлар базаси шакллантирилиб, фуқароларнинг манзилли рўйхатлари тезкор электрон вариантлари олинмоқда ҳамда мониторинг ишлари ташкилланмоқда. Бу эса хорижда ишлаётган фуқароларимизнинг фаолияти билан танишишда ҳамда уларнинг оила аъзолари билан муносабатларидан бобар бўлишда муҳим аҳамият касб этамоқда.

Шунингдек, ҳар бир маҳаллада маҳалла оқсоқоли, посбонлар сардори, профилактика инспектори ҳамда туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш марказлари вакиллари билан биргаликда маҳалла ҳудудидagi қонхонад аъзолари билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Хорижда кетган шахсининг қайси давлатда эканлиги, у ердаги фаолияти, оиласи билан алоқаси устида иш олиб боришда ҳамда уларнинг муаммолари бўлса эътибор қаратилиб, ҳал этилиши бўйича амалий ёрдамлар кўрсатишмоқда.

Бундан ташқари, узок юртдан маҳаллага қайтган фуқаролар билан суҳбатлаш, хориждаги фаолияти ва келажақдаги мақсадларига аниқлик киритган ҳолда саломатлигини текшириш, сўнг уларни

ишга жойлаштириш чоралари кўришмоқда. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрда **“Ўзбекистон Республикасининг фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори қабул қилинган. Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисидаги низоом; Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низоом; Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга ишга ўжатиш учун чет элларда ишга жойлаштириш бўйича ҳўжалик ҳисобидagi минтақавий бюро тўғрисидаги налунавий низоомлари белгиланган. Бундан ташқари, хорижда ишламоқчи бўлган фуқаролар учун Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида **“Ишонч телефон”**лари фаолияти йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилаётган барча сайй-ҳаракатлар негизда четта чиқиб ишлаётган ёки ишлаш ис-таги бўлган фуқароларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, одам савдоси қурбонига асраш, меҳнатини ҳимоя қилишдир.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Назорат

Талабни аниқ ва бир хилда бажаришга барча бирдек масъул бўлса-да

конунчилик нормаларини нотўғри ва хато қўллаш ҳолатлари мавжуд

МАЪЛУМКИ, юртимизда ўтган йиллар давомида барча соҳалардаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Давр талабидан келиб чиқиб мавжуд қонунларни тегишли давлат органлари томонидан амалда қўллаш масаласини жиддий қайта кўриб чиқиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

БУГУНГИ КУНДА мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси жадал суръатлар билан ислоҳ қилинмоқда. Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида қилган чиқишидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, ушбу Концепциянинг олтинчи йўналишида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги тахрирда қабул қилиш зарурлиги таъкидланган.

1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга 100 дан ортиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилган.

Ушбу кодекснинг янги тахрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ак-

сини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бир хиллашувини таъминлайди. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини татбиқлаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунчиликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чоралар ҳам мазкур кодексда кўзда тутилган.

Президентимиз Концепцияда давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашда адлия органлари ролини янада ошириш масаласига жиддий эътибор қаратди.

Концепцияда белгиланган мазкур вазифа ижроси юзасидан Президентимизнинг 2011 йил 17 июнда "Давлат органлари фаолиятида қонунчиликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, Адлия вазирлиги тизимида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Улар томонидан 31 та давлат органи тизимида қонун ҳужжатларига риоя этилиши ўрганилди. Ушбу тадбирларда 25 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Таҳлил натижалари уларнинг 456 таси тизимли тусга эгалигини, айрим давлат органлари бундай қонунбузилиш ва камчиликларга мунтазам равишда йўл қўйиб келганлиги аниқланди.

Қонун ҳужжатлари талабларини аниқ ва бир хилда бажаришга барча бирдек масъул бўлса-да, айрим давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчилик нормаларини нотўғри ва хато қўллаш каби камчиликларнинг мавжудлиги бу борада уларни бартараф этиш, олдини олиш бўйича аниқ чоралар қўришни талаб этади.

Жумладан, маъмурий жавобгарликка оид қонун ҳужжатларини қўллашда фуқароларни асосий ва қонунчилик жавобгарлигига тортиш,

суднинг ваколатидаги ишларни кўриш, ҳуқуқбузарликларни нотўғри квалификация қилиш, жазоларни нотўғри тайинлаш, баённома ва қарорларни камчиликлар билан расмийлаштириш каби жиддий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, МЖТКнинг 21-моддасига 2011 йил 26 апрелда киритилган ўзгаришга мувофиқ, кам аҳамиятли маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликдан озод этиш суднинг ваколатига берилган бўлса-да, "Ерғодекадастр" давлат қўмитасининг "Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси органлари томонидан ер қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича" вақтинчалик йўриқномаси (11.05.1999 йил рўйхат рақами №725)нинг 10-бандида маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарлик билан киловаттларни мумкинлиги ҳақидаги қонунчиликка зид норма сакланб қолган. Бу ҳолат айрим муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Давлат органларининг маъ-

мурий жавобгарликка оид қонун ҳужжатларини қўллаш фаолиятида қонунчилик самардорлигини янада ошириш, ушбу соҳада ягона амалиётни таъминлаш мақсадида Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси томонидан "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича ҳужжатлар намуналари" номли тўплам ишлаб чиқилмоқда. Мазкур тўплам олти бўлимдан иборат бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда процессуал ва иш юритиш аҳамиятига эга бўлган барча зарур ҳужжатлар намуналарини ўз ичига олади.

Масалан тўпламнинг I бўлимида ("Маъмурий ҳуқуқбузарлик фактини расмийлаштириш") маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги доир асосий қоидалар бериб ўтилган. Ҳуқуқни қўллаш органи ҳоқимларига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилиши лозим бўлган ҳолатлар, ҳуқуқбузарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаган тақдирда ички ишлар идораларига ушлаб келтириш қоидалари ва тегишли процессуал

ва нопроцессуал ҳужжатлар намуналари (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақидаги қарор, шахсни аввал маъмурий жавобгарликка тортилганлигини аниқлаш ҳақида талабнома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ваколатли органга жўнатиш хати, жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли ишни прокурорга юбориш хати ва ҳ.к.) берилган.

Ҳудди шу тарзда, барча бошқа бўлимларда асосий қоидалар ва нормалар ҳамда процессуал аҳамиятга эга бўлган ва бўлмаган ҳужжатларнинг намуналари берилган.

Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган мазкур нашр давлат органларининг маъмурий жавобгарликка оид ҳужжатларни қўллаш фаолиятида қонунчилик самардорлигини янада ошириш ҳамда ушбу соҳада ягона амалиётни таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётига янада тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Сардор КАРИМОВ,
Адлия вазирлиги
Қонунчиликка риоя
этилиши устидан назорат
қилиш бош бошқармаси
масъул ходими

Ижтимоий ҳимоя

Микронутриент тушунчаси саломатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 25 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

МИКРОНУТРИЕНТ — инсон организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, ўрнини бошқа нарса боса олмайдиган озик-овқат моддалари, витаминлар ва минерал моддалардан иборат. Микронутриент етишмаслиги — инсон организмнинг озик-овқат билан тушадиган микронутриентлар етарли эмаслиги сабабли, касалликларнинг ривожланишига олиб келадиган ҳолатдир. Ушбу Қонуннинг 4-моддасида аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган бўлса, 6-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Шунингдек, ушбу Қонуннинг 12-моддасида бойитилган озик-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин — минерал аралашмаларининг сертификатлаштирилиши лозимлиги таъкидланган.

Қонуннинг 13-моддасида бойитилган озик-овқат маҳсулотини ва озик-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин — минерал аралашмаларини ўраш, тамгалаш, сақлаш, реализация қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасида қаратилган нотижорат йўсиндаги рекламалар бериб борилади. Улар ижтимоий реклама



ахбороти ҳисобланади. Ижтимоий реклама ахборотини текинга тайёрловчилар ва тарқатувчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланади. Бойитилган озик-овқат маҳсулотининг рекламаси қонун ҳужжатларида мувофиқ амалга оширилиши.

Ушбу Қонуннинг Сирдарё вилоятида ижро этилишини ўрганиш жараёнида кўпчиликнинг бу қонунни яхши билимаслигининг гувоҳи бўлди. Шу боис аҳолининг саломатлигини аяниқса, она-бола соғлигини тақаллашда ушбу Қонуннинг нақадар муҳимлигини уларга тушунтириш мақсадида жамоатчилик назорати ўрнатилиб, тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, юристлар, депутатлардан иборат гуруҳ тузилиб, ушбу Қонун моҳияти билан аҳолини яқиндан таништириш мақсадаги мувофиқдир.

Гуляндом ЁДГОРОВА,
Оқолтин тумани ФХД бўлими мудир

ИДРАМИЗГА тадбиркор аёл келиб, банкдан кредит ололмаётгани учун қўшни туманда жойлашган савдо дўконини гаровга қўйиб, "ипотека" шартномасини расмийлаштириб бериш тўғрисида мурожаат қилди. Бироқ биз унинг мурожаатини йўриқнома талабларига мос келмаганлиги боис, рад қилдик.

"НОТАРИАТ тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасида нотариуслар амалга оширадиган нотариал ҳаракатлар белгиланган. Бироқ баъзи ҳолларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати рад этилиши мумкин. Ушбу қоида оқорида таъкидланган Қонуннинг 38-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга кўра, нотариус қўйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши мумкин: — бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса; — бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса; — муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб, мурожаат қилган бўлса; — юридик шахс номидан амалга оширилмайдиган битим унинг уставида ёки низомиде кўрсатилмаган мақсадларга зид бўлса; — битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса; — нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим

Ҳуқуқий маърифат

Кўчмас мулк

бошқа ҳудудда бўлса...



этилатган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса. Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда бу ҳақда нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб, ушбу кенчиктирмасдан қарор чиқаради. Нотариус мурожаати рад этилган шахсининг илтимосига кўра рад этиш сабабини ёзма равишда баён қилиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунириб бериши лозим.

Идорамизга келган аёл мурожаатининг рад этилиши сабаби, уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини), квартира, дала-ҳовли, боғ-ҳовли, гаражи, шунингдек, бошқа бино, иншоот ёки иморатини бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда тасдиқланмайдиган. Шу боис, ушбу масала юзасидан аёл кўчмас мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идорага мурожаат этиши лозим.

Лунза ҲАСАНОВА,
Олтинсой тумани
давлат нотариал
идораси нотариуси

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилояти
Андижон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жалавуд туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўрғонтепа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўрғонтепа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўрғонтепа туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хоразм вилояти
Урганч шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Урганч шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Урганч туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хива туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент вилояти
Бекobod шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кораканпоғистон Республикаси
Тўртқўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чимбой туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Амударё туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўнғирот туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўнғирот туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўртқўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бухоро вилояти
Бухоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Когон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пешку туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Вобkent туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилояти
Қарши шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилояти
Чуст туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Самарқанд вилояти
Каттақўрғон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Каттақўрғон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пастдарғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти
Қизилқум туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилояти
Фарғона шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Риштон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Беҳарқум туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Хоразм вилояти
Хазорасп туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилояти
Олмалик шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалик шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалик шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Уртачқорик туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгиёул туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўдиртилган шахсий варақ;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабдорнинг маলাка имтиҳонини топишганлиги тўғрисида Малага комиссиянинг қароридан кўйиб қолган (Малага имтиҳонини топишган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишлаган талабдорлар эса Малага имтиҳонини қайта топишганлиги тўғрисида Малага комиссиясининг қароридан кўйиб қолган);
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасдиқнома.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2013 йил 5 декабрь)

Манзил: Тошкент шаҳар, Саймилтоҳ кўчаси, 5-йў.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ишчи) 183, 184, 185.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Тергов бошқармаси тизимларида бўш бўлган терговчи лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда олий-ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган, муддатли ёки сафарбарлик чақирув резервида ҳарбий хизмат ўтаган, шунингдек, олий ўқув юртларининг ҳарбий кафедраси курсини тамомлаб, офицерлар заҳирасига киритилган, бўйи 170 см.дан кам бўлмаган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота туманларида доимий истиқомат қилувчи, 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
281-92-52, 370-56-44.

"ХОРАЗМ мулк маркази" масъулияти чекланган жамияти томонидан навабдаги очик аукцион савдосида Ҳамиджон Тожибоев "Тико" русумли автомашинани сотиб олди. Аспид у бегона автоловга эмас, ўзи оққонуний бошқариб келган транспорт воситасига эга бўлди.

Ҳ.ТОЖИБОЕВ автомашинани анча йиллар давомида эгалик ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда бошқариб, республикамизга четдан олиб келingan машинани мажбурий тартибда божхона рўйхатидан ўтказиш ва давлат божни тўловини адо этишга доир қонун талабини қўпол тарзда бузган. У бу ҳолни маслиҳатини бериб бир ҳужжати мавжуд эмаслигини, 2001 йили бир нота-жуд фуқародан 1,5 миллион сўм эвазига сотиб олгани, шу боисдан ҳам автоловни божхона рўйхатидан ўтказиш ҳамда амалдаги бож тўловини адо этишга имкон тополмагани билан изоҳлади. Кўриниб турибдики, мазкур масалада машина шина-вандаси ўз манфаатини ўйлаган-у, давлат манфаатини эътибордан соқит қилган.

Ушбу вазиятни синчиклаб ўрганган маҳаллий божхона органи Ҳ.Тожибоевнинг ноҳўя қилинишини "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 227-моддаси билан маалақалади. Бу ҳолат судда ҳам ўз тасдиғини топган, машина давлат эгалигига ўтказилди ва Суд департаментининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қонун талаби асосида кимошди савдосига қўйилди. Бу пайтга келиб, кўзи мошдай очилган қоидабузар йиллар давомида ўзи бошқариб юрган машинага хари-дор бўлишдан бошқа илож тополмади.

Шунингдек, суд ижрочилари бўлими Ю.Иброҳимовга тегишли бўлган ва жиноят

Қоидабузар автомашина шинавандаси

энди қонун талабларига риоя қиладиган бўлди

қуроли сифатида давлат эгалигига ўтказилган 90 R 078 DA рақамли "Нексия", И.Сафоев номидидаги 90 T 360 AA рақамли ВАЗ 212100, О.Бобононов ва С.Рўзиматовлар томонидан содир этилган қонунбузарлик воситаси сифатида эътироф қилинган 90 K 235 BA рақамли "Матиз" автомашиналарини давлат эгалигига ўтказиш юзасидан чиқарилган суд ҳукмлари ижроси бўйича ҳам муайян тадбирларни амалга оширдир. Мазкур автоловлар кимошди савдосига қўйилиб, уларнинг сотуви таъминланди.

Эътироф этиш зарурки, ваколатли органлар қарорлари ва бошқа ҳужжатларга биноан мол-мулкни давлат эгалигига ўтказиш билан боғлиқ бу каби ҳолатларга ижро амалиётида тез-тез дуч келинади.

Қонунга зид иш тутиб, ўзини ўйлаган-у, ўзгалар манфаатини оёқоси қилганларга нисбатан одатда етказилган зарарни қоплаш, жиноят қуроли воситаси, деб эътироф этилган мол-мулкни давлат эгалигига ўтказиш сингари таъсир чоралари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлда мазкур ҳужжатга мувофиқ "Давлат даромадидаги ўтказил-диган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш

Ижро интизоми



ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида мазкур масаланинг барча ижобий ва самарали ечимлари батафсил ифода этилиб, шахс, давлат ҳамда жамиятнинг моддий, мулкӣ ва маънавий ҳуқуқларини таъминлаш чоралари кўзда тутилган.

Мазкур қонун ҳужжатида мувофиқ ваколатли органларнинг ҳукм ва қарорлари ижро иши юритиш тартибиде ҳал этилади. Суд ижросисини ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиш шарт. Қонун суд ижросисини зиммасига ижро чоралари қабул қилиб олгандан кейин уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни қўзғатиш вазифасини юклайди.

Қонунда ижро ҳужжатлари талабларини ихтиёрӣ бажариш учун беш қунлик муддат белгиланган. Ихтиёрӣ ижрога оид талаб ушбу муддат ичида бажарилмаган тақдирда қонунда белгиланган ҳуқуқий таъсир чоралари ишга солинади. Мажбурий ижро чоралари ундирувчи қарздорнинг пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига, шу жумладан, унга тегишли бўлган маблағларга, қарздорга тегишли бўлган алоҳида мулкӣ ҳуқуқларга, қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш, ижро ҳужжатида қўрсатилган муайян ашёларни қарздордан

олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш ҳамда ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ бошқа чораларни ишга солиш йўли билан амалга оширилади.

Мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқларнинг айрим турларини реализация қилиш бўйича эса аукцион шаклидаги кимошди савдолари ҳам ташкил этилиши мумкин. Республика ҳукумати қарори асосида тасдиқланган низомда қоридидаги мисоллар каби ҳолатлар, қунончи, олиб қўйилган ва давлат даромадидаги ўтказишнинг зарур бўлган автоматотранспорт воситалари, шунингдек, кўчмас мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ ижро тадбирларига қатор аниқликлар киритилган. Унга мувофиқ, ушбу воситалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ихтисослаштирилган биржалар томонидан очик кимошди савдоларида сотилади. Қарорда олиб қўйилган ва давлат даромадидаги ўтказишнинг лозим бўлган бошқа мол-мулкларни сотиш тартиб-қоидалари ҳам белгиланган. Низомда кўрсатилган-дидек, мазкур мол-мулкни сотиш Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ўтказиладиган танлов асосида савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Мол-мулкни сотиш бўйича хизматлар қўрсатиш юзасидан шартномалар савдо ташкилотлари билан Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари томонидан тузилади. Шартнома шартларига риоя этилиши, шунингдек, мол-мулк сотилиши тартибини назорат қилиш тегишли суд ижро-чилари томонидан амалга оширилади.

Сардорбек ЭГАМОВ,
Суд департаментининг
Хоразм вилояти ҳудудий
бошқармаси катта инспектори

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

Гаройиб тақдирлар У ҳаёт “рассоми” эди Тасвирида ҳуқуқий дунёни акс эттирарди

(Давоми.
Боши 40-сонда)

МОПАССАННИНГ ҳуқуқий қарашлари ўзига хосдир. У гоҳ аёллар ва камбағал қизлар қисмати ҳақида ёзса, гоҳ ҳаётдан умидсизланган, гоҳ деҳқонларни айёр, бойларни бузуқ улфатчи, шаҳарликларни фаросатсиз, худбин, амалдорларни қогозбоз, руҳонийларни аҳмоқ, оварс кўринишида тасвирлаган.

Шунингдек, дин ва одоб-ахлоқдан жирканиб, ҳаётдан лаззатланишга даъват этган. Пул, ҳаёт ва тўқлиқни ёқитиш ҳам, қаллобликка қарши чиққан. Муаллифнинг деярли барча асарларини таҳлил қилаётиб, унда оз бўлса-да, пессимистик руҳни сезиш мумкин. Айниқса, бедаво касалликка чалинган тўғайлими, асарларига ўлим ва офат каби тушунчалар тез-тез учраб туради.

Адибнинг ижодида ҳуқуқ мавзуси иккинчи даражали бўлган. Бу инсонлар ва урф-одатлар ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топган. Жумладан, эътиборини кўпроқ оила ҳуқуқига оид, яъни **ниҳок, қариндошчилик ва мерос** масалаларига қаратган.

Мопассаннинг **ниҳок ҳақидаги ҳуқуқий қарашлари** ёшланидан унинг ота-онаси ўртасидаги муносабатларни кайфияти қаттиқ таъсир ўтказган. Балки шу боис, ниҳокда эркак ва аёл ўртасида қилиш келишув ёки муросага ишонмаган.

Бундан ташқари, автобиографик ҳикояларидан бирида, ота-онаси ўртасидаги жанжалнинг гувоҳи сифатида қуйдагиларни қайд этган: **“Мен қатта бўлган қалъа эсингдами? Бю билан ўралган ва дарахлар билан қопланган қатта кулранг бино ёдингдими? Онамни қаттиқ яхши кўрадим, отамдан эса кўрқардим, бироқ уларни ҳурмат қилардим. Бири-бирини ҳамма олдида камситишларига ҳам қўниқиб қолган эдим. Ушунда мен атиги 13 ўшда эдим. Бироқ барча тенгдошларим сингари мен шоду хуррам, ҳаётдан бахтиёр эдим. Бу кечагидек ёдимда. Ота-онанинг жанжали гўё ўрмондан совуқ шамол сингари келиб, кетганга ўхшарди. Отам ўз аёлини бир қўли билан бўйнидан ушлаб, иккинчи қўли билан бор кучи ила юзига тарсаки туширарди. Зарбанинг**

кучлилигидан онамнинг шляпаси тушиб кетарди. Отам эса телба каби онамни ургани урган... Менинг кўзларимда гўё дунё тугаётгандек, абадий қонунлар эса ўзгартирилгандек туюларди. Ёш бошим эгилиб, жинни бўлиб қолардим. Азбаройи ичимдан дардимни чиқариш учун бор кучим билан қичқирардим. Булут тарқалгандек, яна мусаффо осмон. Ота-онани одатдаги юзлари билан яна кўрадим. Онам менга шундай дерди: **“Болажоним, мени қаттиқ кўрқитдинг, тунни бедор ўтказдим”. Бир умрга барбод бўлган ёшлик”**.

Шу тариқа, унинг ижодида ота-бола масъулияти ҳамда аёллар ҳуқуқининг поймол бўлишига уруғ берилгани кузатилади.

Мопассаннинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган голяри ҳам ўзига хос тарзда бадиий услубий чизилар билан ифодаланган. Унинг ижодида ота ва бола муносабатига бағишланган **“Пьер ва Жан”, “Далада”, “Бола”** ҳамда **“Ойлада”** асарлари муҳим ўрин тутди.

Адибнинг **“Жаноб Паран”** асарида қаҳрамон хотинининг вафосизлиги ёки ўзининг қучли рашии сабабли, туғилган болага нисбатан иккиланган ҳисси пайдо бўлган. Натигада, Жаноб Паран ажрашди. Орадан 20 йил ўтиб, асар қаҳрамони собиқ хотинини жазмани билан бирга қўриб, бола ўзиникими ёки жазманиникими аниглаб етган. Лекин муаллиф ҳикоя ҳулосасини китобхонга кўрсатмаган. Фарзанд кимники эканлиги жумбоқ сифатида китобхонга ҳавола этилган. Ҳикоянинг асосий ғояси бола кимнинг фарзанди эканлигини билишдан иборат.

Маъжур мавзунинг давоми сифатида Мопассаннинг **“Падаркуш”** ҳикояси диққатни жалб қилади. Ниҳоксиз туғилган фарзанд исёни, унинг аччиқ қисмати ва ота-онасини ўлдиргани учун суд олдида жавоб бериши тасвирланган.

Мопассан ўз ижодида мерос ва ворислик ҳуқуқи

масаласига тез-тез мурожаат қилган. Хусусан, учта ҳикояси орқали, **биринчидан**, ниҳоксиз туғилган бола ва жазманга қилган васият, **иккинчидан**, ўлмаган одамни ўлган, деб топиб мерос ҳуқуқи очиш ва **учинчидан**, туғилмаган гўдакка шартли васият қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий масалаларга ўз муносабатини билдирган.

Ўлмаган одамни ўлган, деб топиб мерос ҳуқуқи очиш хусусида Мопассаннинг 1881 йилдаги **“Ойлада”** номли новелласида сўз юритилган. Жаноб Караван хотини, икки ўғли ва қари онаси билан бир уйда яшаган.

Қулардан бир кун, юқори қаватда яшайдиган Жаноб Караваннинг онаси овқатланиш учун пастга тушмайди. Бундан шубҳаланган келини уни ўлиб қолган, деган фикрга келиб, унинг бисотини тақсимлашга тушади. Чунки эрининг бир опаси ҳам бор эди-да. Очқўз келин кампирга ҳам жой ҳам овқат бериб боқаётганини ширақайф эрига таъна қилади ва қизи келиб қолганича унинг хонасидаги мармарили жавон ва осма соатини пастки қаватга, ўз хонасига олиб туша бошлайди. Бироқ бир зум ўтгач, не кўз билан қарама, кампир секин-аста зинадан тушиб келади. Дастлаб арвоқ, кейин ҳақиқатан ҳам тирик кампирни қўриб хангу манг бўлиб қолади. Ўз навабатида, кампир ҳам келинига **“дарҳол жонажон мармарили жавоним ва осма соатинини жойига олиб чиқиб қўй”**, дея хабар олгани келган қизининг қўлидан тутиб хонасига яна чиқиб кетади.

Шундай қилиб, Мопассан бошқа ҳуқуқшунос-адиблардан фарқли ўларок, ҳуқуқ соҳасини ўрганишни уруш тўғайли охиригача олиб бормаган бўлса-да, ҳикоя ва новеллаларида жамиятдаги қинғир ишларни, айниқса, инсонларнинг турмуш тарзида учраб турадиган мантқиқсиз ҳуқуқий муаммоларни юксак истеъдод, шунингдек, рангин бўёқлар билан тасвирлаб бера олган **“Ҳаёт”** рассоми сифатида муҳлислар қалбидан абадий жой олган.

- * Guy de Maupassant. Garçon, un bloc I... — Paris: Pleiade, t. I. — P. 1126-1128.
- * Guy de Maupassant. Mots d'amour, — Paris: Pleiade, t. I. — P. 360.
- * Guy de Maupassant. Monsieur Parent, — Paris: Pleiade, t. II. — P. 610-617.
- * Guy de Maupassant. En famille, — Paris: Pleiade, t. I. — P. 208-218.
- * Philippe Malaurie. Droit et littérature. Une anthologie. — Paris, Editions Cujas, 1997. — P.297.

Мопассан ҳикматлари

Истеъдод — узок тоқат.

Мен инсонлар олдида, айниқса, уларнинг адолатсиз қонунлари наздида қалтираганман.

Муҳаббат юрагимизга эшик қоқиб келган заҳот, қалбимиз илоҳий бахтга тўлиб тошади. Биласизми нима учун? Биласизми нима сабабдан биз ўзимизни гоё бахтиёр ҳис этамиз? Бунга сабаб, гўё бизни ёлғизлик мулқ тарқ атгандек фарз қилишимиздир...

Ҳаётда телбаларча севиб қолишдай ҳақиқат йўқ.

Ғийбат севиладиган ва эътибор қилинмайдиган аёл.

ларга тасалли бериш учун хизмат қилади.

Севги сўзи ҳамиша бир хилдир. У фақат кимдан қандай чиқишига боғлиқдир.

Севги — бу ҳаётимиздаги ягона чинакам бахтдир. Аммо биз ундан ҳалдан зиёд кўп нарса талаб этиб, уни бадном қиламиз.

Ҳаёт тоғга ўхшайди, машаққат билан чиқсан, осонлик билан тушсан.

Юракнинг онг кучи етмас топишмоқлари бор.

Умр пиллапасининг зиратчалари кўп. Аксарият ҳолларда улар пастга тушаётган.

нимизда қиради.

Ўзини-ўзи ҳурмат қилмайдиган одам бахтсиз. Ўзига кўп ишонадиган одамлар эса аҳмоқдир.

Тинч қўшига ҳужум қилганда уруш ваҳшийлик. Ватанингни ҳимоя қилиш эса муқаддас бурчдир.

Ҳаёт унчалик яхши эмас. Лекин кўпчиликининг ўйлашича, унчалик ёмон ҳам эмас.

Мен севиб қолганимда, бутун дунё гўё мавжуд эмасдек.

Дунё кучлиларники. Кучли бўлиш лозим. Ундан ҳам юқори бўлиш лозим.

Йўналишли таксилар ҳаракати тартибга солинади

2014 йилнинг 1 январидан Тошкентда йўналишли таксилар ва автобуслар ҳаракатида такрорланишларга барҳам берилди. Бу каби ўзгаришлар Президентимизнинг 2013 йил 9 октябрдаги Тошкент шаҳрида йўловчи ташвиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қароридан ўз аксини топади.



ШУНИНГДЕК, port.uz портали маълумотларига кўра, 2014 йил бошидан пойтахтимизда йўловчи олишган автобусларда жисмоний шахслар томонидан йўловчи ташвиш борасида фаоллият юритиш тақиқланади.

Ҳужжатда таъкидланишича, автобус парклари таркибиде йўловчиларни йўналишли таксиларда ташвиш буйича махсус ихтисослашган автоколонналар ташкил этилиши, улар йўловчилар хавфсизлиги учун жавоб берадиган малакали ҳайдовчилар билан таъминланган бўлиши, техник жаҳатдан соз ҳаракат таркиби мавжуд бўлиши лозим. Бунда асосий эътибор йўловчи ташвиш тартиби ва тизимини ташкил этишга қаратилиши зарур. Биринчи навбатда йўловчиларга қатъий техник талабларга жавоб берадиган транспорт воситалари хизмат кўрсатиши керак.

Йўналишли таксилар автобус паркларида ўз вақтида қўриқдан ўтказилиб, таъмирланиб турилиши талаб этилади. Шунингдек, транспорт воситалари учун техник қўриқ ва ҳайдовчилар учун тиббий қўриқдан ўтиш мажбурийдир. Шу муносабат билан Вазирилар Маҳкамасига йўналишли таксиларда йўловчи ташвиш тўғрисида низомини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Тошкент шаҳридаги барча жамоат транспортларида йўловчилар оқимида транспорт хизмати кўрсатишни тизимли равишда олиб бориш буйича чора-тадбирлар режалаштирилмоқда. Бу жараён эса транспорт воситаларини оптимизациялаш ва ташув сифатини яхшилаш билан боғлиқдир.

Ҳужжатга кўра, битта йўналишдаги турли симли автобуслар учун йўловчилар оқимининг қамровига қараб бир суткада неча марта ва қандай вақтда ҳаракатланиши белгиланган бўлади. Шаҳардан ташқари йўналишлар учун охириги тўхташ бекатлари Тошкент халқа йўлида ташкил этилади. Бу ердаги йўловчилар учун қўлай бўлган жойларда автостанциялар, таксилар учун тўхташ жойлари қўриқлиш кўзда тутилган.

Жамоат транспорт катнов жадалига ва қатновлар ўртасидаги интервалга қатъий риоя қилиш интизоми (GPS) назорат тизими орқали он-лайн режимда кузатиб борилади.

Манзура БЕКЧОНОВА,
“Туркистон-пресс”

Реклама

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! “Асака” банк (ОАЖ)

куйдаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада

“МУСТАҚИЛЛИК — 2013”

Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

“ФАРОВОН ТУРМУШ”

Омонатнинг сақланиш муддати — 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада

“ИШОНЧЛИ” (АҚШ долларларида)

Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин. Мурожаат учун: “Асака” банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автомобил парки филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шаҳар парки филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусов филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Ойроғли филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самерқанд вилоят филиали	365	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	365	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарғона филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиерк филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқор филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ қафолатланади!

- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!



Барча омонатларингиз
Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини қафолатлаш
фонди томонидан
қафолатланади.

“Асака” банк — сармоянгиз
сақланиши ва кўпайишини
қафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.